SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 26-yanvar • Payshanba • 11 (27.503) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ ИМКОНИЯТЛАРИ



Суратларда: Шошилинч тиббий ёрдам шифокорлари; тиббиёт ҳамширалари — Холида Садиқова, Феруза Нориева.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Янги йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб аталиши халқимизнинг эзгу фазилатларига, ижтимоий манфаатларига жуда ҳамоҳанг бўлди. Айни пайтда янги йилда амалга ошириладиган ишлар «Сиҳат-саломатлик йили»нинг узвий давоми бўлиб, бу борада янада кенг кўламли ишлар амалга оширилишини таъминлайди.

Бухоро вилоятида аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, шифокор кадрлар малакасини ошириш, жаҳондаги нуфузли тиббиёт муассасалари тажрибасини ўрганиш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали ишлари соҳадаги ислоҳотлар юқори босқичга кўтарилганлигини кўрсатади.

— 255 ўринли марказимизда ҳар куни кўплаб беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди филиал директори, тиббиёт фанлари доктори Маъмур Абдурахмонов. — Бу ерда тиббиётнинг ўттизта йўналиши бўйича хизмат кўрсатилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ислоҳотлар соҳада қанчалик самара берганлигини яққол сезамиз.

Энг замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган ва малакали кадрлар ишлаётган филиалда ташхис қўйиш ва даволашда Интернет тармоғидан кенг фойдаланилмоқда. Дунёнинг етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари билан электрон почта орқали алоқалар ўрнатилган.

Яна бир гап. Яқинда Бухорода республикамизнинг таниқли олимлари ҳамда Россия, Грузия, Қувайт сингари қатор хорижий давлатлардан келган нуфузли шифокорлар иштирокида «Шошилинч тиббиётда диагностика ва даволашнинг каминвази (яъни, беморнинг ички аъзоларини очмай улар касаллигини аниқлаш ва даволаш) усуллари» мавзуида ўтказилган республика V илмий-амалий конференцияси ҳам шошилинч тиббий ёрдамни ташкил қилишда буюк табиб Абу Али ибн Сино ватани бўлмиш Бухорода бой тажриба тўпланганлигидан далолат беради.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг Санкт-Петербург саммитида Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотга расман аъзо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24- 25 январь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Давлатлараро кенгашида иштирок этди.

Маълумки, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг 2005 йил 6-7 октябрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган саммитида МОҲТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини бирлаштиришга келишиб олинган эди. Мазкур икки ташкилотнинг мақсад ва вазифалари кўп жиҳатдан ўхшаш ва бир-бирига яқин. Тузилмаларнинг бирлашиши тўғрисидаги келишув эса мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сафидан жой олишига олиб келди.

Бу тўғрида ўтган йилнинг октябридаёқ келишувга эришилгани боис Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг эндиги саммити Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг иштирокида Президентларнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда асосий диққат-эътибор мамлакатимизнинг Ҳамжамиятга аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ масалага қаратилди. Янги шаклланаётган Ҳамжамиятнинг имкониятлари кенгаяётгани, Ўзбекистоннинг салоҳияти Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги интеграция жараёнларини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Давлатлараро кенгашнинг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Албатта, Ўзбекистон Ҳамжамият сафига қўшилганидан кейин ташкилотнинг мазмун-моҳияти сезиларли даражада ўзгаради. Демак, ташкилотнинг режаларини, унинг доирасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларнинг механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Президентлар бу хусусда фикр алмашар эканлар, Ҳамжамиятнинг фақат иқтисодий тузилма эмас, халқаро ташкилот сифатида ҳам нуфузи ошиб бораётганини таъкидладилар.

Шу ўринда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ҳақида. 1995 йилда тузилган Божхона иттифоқи негизида ташкил топган Ҳамжамиятнинг стратегик мақсадлари аъзо давлатлар ўртасида интеграцияни ривожлантиришга қаратилган. Бу мураккаб вазифа босқичма-босқич Эркин савдо зонасини ташкил этиш, кейинчалик Божхона иттифоқини тузишдан иборат. Буларнинг барчаси ягона умумий бозор шаклланишига олиб келади.

Бугун бу атаманинг моҳиятини аниқлаш ва очишга ҳожат йўқ. Умумий бозорни таърифлаш учун ҳозирги Европа Иттифоқини мисол келтиришнинг ўзи кифоя. Яъни, аъзо мамлакатлар орасида ишчи кучи, товарлар ва хизматлар эркин ҳаракатда бўлади. Божхона тўловлари фақат учинчи мамлакатдан келадиган товарлар учун жорий этилади ва улар ҳам бир марта олинади.

Товарлар ва хизматлар учун ички чегаралар очиқ, ташқи чегара эса умумий. Шундай бўлгач, табиийки, аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро масъулиятлилик ва айни вақтда ўзаро ишонч мустаҳкамланиб боради. Буларнинг барчаси давлатлараро муносабатларни иқтисодий ҳамкорлик асосида ривожлантириш, бошқача айтганда, интеграцияни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги воқелик шундан гувоҳлик берадики, якка-ёлғиз ривож топган ёки тараққий топаётган мамлакатни топиш қийин. Куч-қудрати, имконияту салоҳияти, мавқеи қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир давлат хориж билан ҳамкорлик қилишга мажбур. Бинобарин, бугунги кунда иқтисодий алоқалар сиёсий ҳамкорликни белгиловчи асосий омил бўлиб қолмоқда.

Ана шундай шароитда Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан МОҲТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг бирлаштирилиши замон талабларига мос ҳаракат сифатида намоён бўлади.

Президент Ислом Каримов бу жараёнда Ўзбекистон манфаатлари нималардан иборат эканлигини аниқ ифодалаб берди. Дастлаб шуни қайд этиш керакки, истиқлолга эришганидан кейин мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида, аввало, қўшнилар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга устувор масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Бошқача айтганда, биз қўшни сифатида бир-биримизга елкадош бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ҳамкорликни кенгайтириш йўлини тутмоғимиз зарур. Таъбир жоиз бўлса, ўзаро ҳамкорлик бир- биримиз учун ҳам умумий мақсад, ҳам умумий бурч саналади.

Иккинчи томондан, ҳозирги кунда Марказий Осиёда вазият шу қадар шиддат билан ўзгармоқдаки, бундай шароитда бамаслаҳат иш юритилмаса, минтақадаги барқарорлик хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Бу ерда катта геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар тўқнаш келаётир. Мана шу шароитдан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган айрим ёвуз кучлар экстремистик ташкилотларни фитна қуроли сифатида ишга солишдан ҳам қайтмаётир.

Демак, МОҲТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг бирлашиши орқали Евроосиёдаги олти мамлакат бехавотир ҳаётни таъминлаш учун баҳамжиҳат ҳаракат қилади. Давлатлараро муносабатларда иқтисодий манфаатдорлик ҳар бир мамлакатни ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ундайди. Бу эса ўзаро ҳамкор давлатларнинг бир-бири учун кўпроқ қайғуришига, бинобарин, хавфсизлик соҳасидаги алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланишига олиб келади. Зеро, халқимиз қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деб бекорга айтмаган.

Ўзбекистоннинг ушбу Ҳамжамиятга аъзо бўлиши Евроосиё минтақасида йирик лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Транспорт коммуникациялари, энергетика, халқаро савдо — булар муҳокама учун мавзу бўладиган соҳаларнинг бир қисми, холос. Айтайлик, мамлакатимизда етиштириладиган пахта, чорва, қорақўл, полиз маҳсулотлари ё мевалар учун Россия ёки Беларуснинг ўзи катта бозор. Мисол учун ана шундай ноёб товарлар кейинчалик Россия ва Беларусь орқали Европага ҳам чиқиши осонлашишини инобатга олсак, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имкониятлари янада ойдинлашади.

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сафидан жой олиши Ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзоси учун манфаатлидир. Мамлакатимиз енгил ва оғир саноат, савдо, машинасозлик, самолётсозлик, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, коммуникация, жумладан, транзит соҳасида ва бошқа йўналишларда катта имкониятларга эга.

Санкт-Петербург саммити якунида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши тўғрисидаги протокол ҳамда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши муносабати билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти органлари фаолиятини ташкилий-молиявий таъминлаш тўғрисида», «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш тўғрисида»ги қарорлар имзоланди. Президент Ислом Каримовнинг Россияга мазкур ташрифи асносида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигига доир ва айни пайтда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги алоқаларнинг ривожига бевосита таъсир этувчи яна бир неча муҳим келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерациясининг «Газпром» очиқ акционерлик жамияти ўртасида Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Кувонч ва Ақчалак конларини ўзлаштириш тўғрисидаги битимнинг асосий тамойил ва низомлари тўғрисидаги битим, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ОАЖ ўртасида Ўзбекистоннинг Устюрт минтақасидаги саргоявий блоклар ҳудудларида геологик тадқиқотлар ўтказишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги битим имзоланди. Устюртдаги нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштиришни кўзда тутувчи бу ҳужжатларнинг умумий қиймати 660 миллион АҚШ долларига тенгдир. Шу тариқа, «Газпром»нинг Ўзбекистонга киритадиган лойиҳаси умумий ҳисобда 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошади. Мазкур икки битимнинг Ҳамжамият саммити доирасида имзоланиши ушбу ҳужжатларнинг аҳамияти икки томонлама муносабатлар доирасидан анча кенг эканлигига яна бир далилдир.

Саммит якунида бўлган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши ушбу тузилманинг салоҳиятини ҳар томонлама оширишини алоҳида таъкидлади. Биргина энергетика соҳасини оладиган бўлсак, Устюрт минтақасида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳаларнинг ўзи истиқболда ҳамкорлик кўлами нечоғли кенгайишидан ёрқин далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига ташрифи ана шундай самаралар билан якунланди. Воқеалар ривожи ва тафсилотларни кузатиб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, умумий мақсадлар йўлида ҳамжиҳатлик билан ташланган бундай дадил қадамлар самараси яқин келажакда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар халқлари ҳаётида ўзининг ёрқин ифодасини топиши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Санкт-Петербург — Тошкент

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раиси Аслиддин РУСТАМОВ олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастури тўғрисида»ги қарори юзасидан фракциянинг вазифалари белгилаб олинди.

Ўтган Сиҳат-саломатлик йилида юртимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳимояга кам таъминланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Бу йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши ўтган йилнинг мантиқий давоми сифатида мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг ривожи, аҳоли кам таъминланган қатламлари манфаатларини ҳимоя этиш, фаровонлигини ошириш, юртимизда ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадларни қамраб олади.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастури белгиланган вазифалар партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим йўналишларни белгилаб беради. Чунончи, аҳолининг иқтисодий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳомийлик фаолиятининг рағбатлантирилиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик базасини шакллантириш, соғлиқни сақлаш тизимини замонавий моддий-техника билан мустаҳкамлаш ва тиббий хизмат сифатини ошириш каби асосий вазифалар Ўзбекистон ХДП Дастурининг муҳим йўналишларидан саналади.

Фракция аъзолари, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2006 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари»га ҳам ўз таклифларини билдирдилар. Унда белгиланган вазифалардан бири — «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишида фракция фаол иштирок этади. Фракция аъзолари Ҳамидулла Назаров, Алия Юнусова, Муҳаббат Абдуллаевалар томонидан тайёрланган «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама учун турли давлат ташкилотлари, манфаатдор идораларга жўнатилмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққан депутатлар — Анатолий Козлов, Илҳом Аҳмедов, Шарбат Абдуллаева, Насимқул Каримов, Анвар Шукуров, Нурдинжон Исмоилов, Абдуманноб Раҳимов, Боймурод Юсупов, Рустам Тиллабоев ва бошқалар мазкур қарорнинг аҳамияти, моҳиятини халқимизга чуқур тушунтириш, кам таъминланган оилалар, ногиронларга моддий ёрдам бериш маросимларида фаол қатнашиш, ушбу давлат дастури асосида фракциянинг ҳам бажарадиган ишлари юзасидан алоҳида дастурини ишлаб чиқиш, партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорликда дастурнинг бажарилиши, ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг тўғри сарфланиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш, бу борада партиянинг ижтимоий шериклари билан узвий алоқани мустаҳкамлаш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

(Ўз мухбиримиз)

ЯРИМ АСР ТЕНГДОШИ

Навоий иссиқлик электр станцияси ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охири, олтмишинчи йиллари бошида фаолият бошлаган. Ўша пайтларда унинг йиллик қуввати атиги 1 миллиард 200 миллион киловатт-гикокалория бўлса, мустақиллик йилларининг иккинчи ўн йиллигига келиб, республикада ишлаб чиқарилаётган жами электр қувватининг 20 фоизини етказиб бера бошлади. Бу — ҳар йили ўртача 2,5-2,8 миллиард киловат-гикокалория атрофида энергия ишлаб чиқармоқда, дегани. 2005 йилда энергетиклар 2 миллиард 900 миллион киловатт электр энергияси етказиб беришди. 2006 йилги марра — 3 миллиард киловатт-гикокалория!

Энг муҳими, ярим асрга тенгдош мазкур станция ишлаб чиқаришдан тўхтамаган, қувватларни чекламаган ҳолда энергоблокларни босқичма-босқич таъмирлаш орқали шундай юксак иш унумига эга бўлди. Ҳозир биргина Навоийдаги 17 та йирик саноат корхонасигина эмас, қўшни Самарқанд, Бухоро вилоятлари истеъмолчилари ҳам айни шу станция энергиясидан қувват олмоқда.

Ўзбекистон — Россия муносабатларининг янги босқичга кўтарилиши корхона ишлаб чиқаришига ҳам ижобий туртки берди: иттифоқчиларимизнинг энергетика асбоб-ускуналари ва эҳтиёт қисмлари станция иш жараёнларига қўл келмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ

● Ўзбекистон — Россия: ҳамкорлик самараси

АМУДАРЁ ОСТИДАГИ ГАЗ ҚУВУРИ

НУКУС (ЎзА мухбири А.Ортиқбоев). Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Россиянинг Тюмень вилоятидаги «Строймашсервис» компанияси ўртасида яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани бу борадаги яна бир дадил қадам бўлди.

Амударё тумани аҳолисини узлуксиз табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида дарё остидан мустаҳкам, хавфсиз саналган туннелли газ қувури ўтказиш режалаштирилди. Икки томоннинг тажрибали мутахассислари узунлиги 810 метр бўлган ушбу қувурни ётқизиш ишларини бошлаб юбордилар.

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Хоразм вилоят кенгаши раиси Рейимберган Сабуров вилоят онкология диспансери ва Урганч тумани марказий шифохонаси жамоалари билан жонли мулоқотлар ўтказди.. Учрашувларда Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, уларни бажаришда ҳар бир фуқаронинг масъулияти тўғрисида сўз борди. Шунингдек, партия кенгаши раиси бугунги кундаги мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ҳаёти, сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон ХДП, унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳақида алоҳида тўхталди. Партиянинг дастурий мақсадлари билан бирга ҳозирда олиб борилаётган партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёни ҳақида ҳам гапириб берди.

Вилоят партия кенгашида Урганч шаҳар ва туманлар кенгашлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича бошланган ишларнинг дастлабки ўн кунлик натижалари муҳокама этилди. Мазкур тадбирни ўтказишда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Юртимизда иқтидорли ёшларни тарбиялаш, улар истеъдодини рўёбга чиқариш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар кейинги йилларда ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Жумладан, сўнгги тўрт йил мобайнида республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олувчи 67 нафар ёш истеъдод дунёнинг турли қитъаларида ўтказилган халқаро фестиваль ва танловларда ғолиб чиққанлиги бунинг исботидир.

Мисол учун, 2004 йили Москвада уюштирилган «Зажги свою звезду» халқаро эстрада танловида мутахассислар эътирофига сазовор бўлган ҳамюртимиз Карина Тимофеева бош соврин — Гран-прини қўлга киритди. Ўша йили опера ижрочиларининг Козогистонда ўтган халқаро танловида яна бир вакилимиз Абдумалик Абдуқаюмов биринчи ўринни эгаллади. 2005 йили эса у Озарбайжонда ўтказилган Булбул номидаги нуфузли халқаро танловда бош соврин соҳиби бўлди.

Ёш иқтидорли пианиночи Беҳзод Абдураимов 2003 йили Италияда уюштирилган халқаро танловда ғолиб чиқиб, барчани лол этган эди. Шундан бери Беҳзод яна кўплаб фестиваль ва танловларда мутахассислар эътирофини қозонди. Ўз навбатида ёшларимизнинг халқаро анжуманларда юксак натижаларни қўлга киритиши ўзбек мусиқа санъатининг нақадар катта тажриба ва анъанага эга эканлигидан дарак беради.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги юртимиз шарафини дунёга таратаётган иқтидор соҳибларини эъзозлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Тасанно» номли тантанали тақдимот маросимини уюштирмоқда. Шу йилнинг 30 январь куни Навоий номидаги Давлат академик катта театрида ўтказилиши кутилаётган ушбу тадбир олдидан Миллий матбуот марказида анжуман уюштирилди. Унда йиғилганларга тантанали тақдимотдан кўзланган мақсад ҳамда бошқа кўплаб саволлар юзасидан маълумот берилди.

Эркин РАЖАБОВ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган партия кенгашлари, ташкилотлари ҳамда депутатлар тузилмаларининг вазифалари муҳокама этилди.

Долзарб мавзу

Касаначилик

УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШСИЗЛАР СОНИНИ ҚИСҚАРИШИГА, ИҚТИСОДИЁТДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ ЎСИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Латиф ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугун кўрилаётган масала партиямиз учун жуда муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони дастурий мақсадларимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири — меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлақонли бандлигини таъминлаш учун янги ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий имкониятларни очиб бермоқда.

Фармоннинг изчил амалга оширилиши партиямиз электоратининг катта қисми ҳаётий манфаатлари талабларига бевосита жавоб беради. Гап — меҳнатга қобилиятли аҳолининг тахминан учдан бир қисми тўғрисида бормоқда. Турли сабабларга кўра, иқтисодиётнинг ҳақиқий секторида ишлаш имконияти бўлмаган бундай кишилар расмий статистикада «ўз шахсий ёрдамчи хўжалигида бандлар» тоифасига киритилган, деб ҳисобланади. Улар орасида кўп болали оилаларнинг аъзолари, хотин-қизлар бор. Улар учун касаначилик ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашишнинг ягона шаклидир. Касаначилик кўп ҳолларда электоратимизнинг яна бир тоифаси — ногиронлар учун бандликнинг энг мақбул йўлидир. Касаначиликни ривожлантириш косибчилик ва халқ ҳунармандчилигининг бошқа турларини юксалишига хизмат қилади.

Бу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, партиямиз фақатгина мазкур ишда бевосита иштирокчи бўлибгина қолмай, балки ўз кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлар бирлашмалари орқали жойларда тегишли дастурлар амалга оширилишини назорат қилсалар тўғри бўлар эди.

Партиямизнинг Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ногиронлар жамияти билан тузган шерикчилик битимларида касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш бўйича томонларнинг ўзаро мажбуриятлари акс этган. Бу йўналишда очилаётган янги имкониятларни ҳисобга олиб, мажбуриятларни бажариш бўйича амалий ишларни фақат марказий органлар эмас, балки маҳаллий тузилмалар даражасида ҳам фаоллаштириш талаб этилаяпти.

Фармонда қўйилган вазифаларни амалга оширишда бевосита ишлаб чиқариш жамоаларидаги бошланғич партия ташкилотлари фаол иштирок этишлари лозим. Уларнинг муҳим вазифалари — тегишли корхоналарни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан касаначиликни ривожлантириш орқали ўз кооперациясини йўлга қўйишга кўмаклашишдир. Бу иш давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлар гуруҳлари фаолиятида ҳам устувор йўналишлардан бири бўлмоғи керак. Фармонда қўйилган вазифаларнинг кўпи давлат ҳокимиятининг айнан шу бўғини ваколатига киради. Биз депутатлар тузилмаларидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бандлик маҳаллий дастурларига тегишли тузатишлар киритиш ҳамда мазкур Фармонни жойларда бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатишда аниқ ташаббуслар кутамиз.

Насимқул КАРИМОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади. Иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда ушбу Фармон асосида касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Бундан ташқари, касаначиларга зарур хомашё ва материалларни етказиб бериб, оилавий пудратни ривожлантириш, вақтдан унумли фойдаланиш, паст рентабелли ва кўп меҳнат талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратади. Бу ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шуни таъкидлаб ўтишим керакки, ривожланган давлатларда йирик саноат корхоналари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар жамловчи қисмларининг 30 фоиздан кўпини айнан касаначилар етказиб беради. Озиқ-овқат, халқ истеъмоли молларининг 40 фоизидан кўпроғи уй шароитида касаначилар томонидан тайёрланади. Бугунги кунда мамлакатимизда эса уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариб, уни сотолмай юрган фуқаролар жуда кўп. Мисол тариқасида айтишим керакки, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида уй шароитида касаначилик йўли билан алебастр, оҳак маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Тошкент шаҳрида чинни ва шиша буюмлари, Қашқадарё, Жиззахда жунни қайта ишлаш, арқон, кигиз, гилам тўқиш, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида зардўзлик, Наманган ва Марғилон шаҳарларида атлас, адрас тўқиш, Андижон, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида мебель ишлаб чиқариш уй шароитида йўлга қўйилган.

Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида вилоятга четдан олиб келинаётган товарлар таркибида текстиль маҳсулотлари, цемент, гипс, алебастр, совун ва кир ювиш воситалари, ўсимлик ёғи, чинни ва сантехника буюмларининг улуши юқори эканини таъкидлади. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш кераклигини айтди. Агар бундай ҳолат давом этаверадиган бўлса, биз ўзимизнинг эмас, чет эл корхоналарини ривожлантирган бўламиз, ўзимизда эмас, хорижий мамлакатларда иш ўринларини кўпайтирган бўламиз. Энг ёмони, не-не машаққатлар билан топган валюта маблағларимизнинг четга чиқиб кетишига йўл қўйган бўламиз. Ваҳоланки, бутун дунёда ҳар қайси давлат, ҳар қайси мамлакат, аввало ўзидаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Уларнинг йўлини очиб беришга ҳаракат қилади.

Касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар текин ёки ижара шарти билан, лизинг асосида берилмоқда. Бир вақтнинг ўзида улар мулк учун тўланадиган солиқлардан озод этилган. Уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмаслиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Касаначилар фаолияти буюртмачи — корхона қонунчиликда белгиланган тартибда текширилгандагина назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкинлиги уларнинг эркин фаолият юритишлари учун етарли шарт-шароит яратади.

Аслиддин РУСТАМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси:

— Сир эмаски, мамлакатимизда ишсизлик, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш, реализация қилиш, хомашё топиш муаммолари бор. Агар мазкур Фармон ижросини тўлиқ таъминлашга эришилса, бунга ўхшаш кўплаб муаммоларнинг ечими ўз-ўзидан топилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳам ўзининг вазифаларини аниқ белгилаб олиши керак. Фармоннинг биринчи бандида меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш масаласи ҳақида айтилган. 7-бандида эса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин, дейилган. Бу жуда муҳим масала. Албатта, ҳукумат ўз таклифларини киритади. Лекин баъзи таклифларни ҳукумат ҳам, унга муқобил равишда депутатлар ҳам киритиши мумкинлиги қонунчилигимизда кўрсатилган. Шундай экан, биз ҳам депутатларимиз орасидан ишчи гуруҳи тузиб, Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида», «Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларимизни тайёрлашимиз керак.

Илҳом АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Касаначилик халқимизда қадимдан мавжуд. Лекин, масаланинг аввалги қўйилиши билан ҳозирги қўйилиши орасида жуда катта тафовут бор. Агар бир фуқаро ўзининг уйида ишлаб чиқаришни ташкил қилмоқчи бўлса, бу жуда қийин бўлар эди. Уни давлат рўйхатидан ўтказиш керак, хомашё муаммоси бор, бир амаллаб хомашё топилса, чиқарилган маҳсулотни сотишда қийинчиликларга учрайди, қоғозбозлик... Натижада қисқа вақт касаначилик билан шуғулланиб, кейин уни йиғиштириб қўйганлар жуда кўп бўлган.

Энди масала шундай қўйилаяптики, уйда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларга шартнома асосида хомашё, асбоб-ускуналар етказиб берилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилиши кафолатланади. Бу имконият товар ишлаб чиқарувчини ортиқча бош оғриғидан халос этади. Касаначилик фаолияти меҳнат стажига кириши, шундан пенсия ёшига етганда давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи пайдо бўлиши, шубҳасиз, аҳолида касаначиликка жуда катта қизиқиш уйғотади.

Сафар ОСТОНОВ, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири:

— Бозор иқтисодиёти шароити нима эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Мамлакатимиз раҳбари бозор муносабатларига ўтиш қандай муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигини олдиндан билиб, ўзининг беш тамойилини ишлаб чиқишда ижтимоий сиёсатга алоҳида урғу берган. Мана, ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибдики, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса, бу жамиятда катта муаммолар, норозиликларни келтириб чиқариши мумкин. Бизнинг партиямиз кўтарган, одамлар эътиборини тортган ва ҳурматига сазовор бўлган энг муҳим масалалардан бири ҳам айнан шу — ишсизларни, ногирон ва пенсионерларни, кам таъминланган оилаларни ҳимоя этишни ўзининг бош вазифаларидан, деб белгилаганидадир.

Бу фармон ишсизликни қисқартириш, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногирон бўлиб уйда ўтирган, аммо қўлидан иш келадиганларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Биринчи навбатда биз нима қилишимиз керак? Назаримда, энг аввало, мана шу Фармоннинг аҳамиятини, моҳиятини, ундан кўзланган мақсадни аҳолига чуқур тушунтириб беришимиз керак. Баъзи жойларда ҳатто маҳаллий раҳбарларнинг ўзи янги чиққан қарор, фармонлар аҳамиятини дарров англаб ололмайдилар. Мана, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» деган минбарлар сизлар учун доимо очиқ. Юристлар чиқиб касаначиликнинг ҳуқуқий томонларини, иқтисодчилар иқтисодий томонларини халқимизга тушунтириб берсин. Бошқа мутахассислар ҳам тегишли фикрларини айтсинлар.

Иккинчидан, бу Фармон ижроси юзасидан жуда қаттиқ жамоатчилик назоратини ўрнатишимиз керак. Биз ҳам газетамизда алоҳида рукн очиб, ушбу фармон жойларда қандай бажарилаётганлиги ҳақида доимий мақолалар бериб боришни режалаштирганмиз.

Учинчидан, Фармоннинг бажарилиши юзасидан партиямиз Марказий Кенгаши, Қонунчилик палатасидаги фракциямиз орқали вақти-вақти билан масъул идоларнинг ҳисоботларини эшитиб боришни ҳам йўлга қўйиш лозим. Агар бу масалада муросага, юзхотирликка, хотиржамликка йўл қўйсак, партиямиз Дастурида белгиланган энг муҳим вазифалардан биттасининг бажарилишига бепарво қараган бўламиз.

Изидор КОЧМАРИК, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси:

— Республикамизда ижтимоий ҳаётни яхшилаш мақсадида бир қанча қарорлар қабул қилинмоқда. Лекин уларни ҳаётга татбиқ этишда, аҳолига тушунтириш ишларини олиб боришда анча-мунча оқсаш мавжуд. Мана, бугун биз муҳокама этаётган Фармоннинг ҳам ижтимоий ҳаётимизни фаровонлаштиришда аҳамияти катта. Партия ташкилотлари ва фаоллари аҳолининг ишлаб чиқарувчилар қатлами орасида тушунтириш ишлари олиб бориб, йирик ишлаб чиқарувчилар ва касаначилар алоқаларининг мустаҳкамланишида бевосита ташкилотчилик ролини ўйнашлари керак. Энди савол туғилиши мумкин: хўш, нима сабабдан партия ташкилотлари бу ишларга аралашиши керак?

Улар ҳудудларда қандай йирик саноат корхоналари борлигини билади. Аҳоли орасида кимлар нималарга қодирлиги ҳам бошланғич партия ташкилотларимизга яхши аён. Демак, партия ташкилотларимизнинг бу борадаги асосий вазифаси — буюртмачи ва касаначиларга кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатларини, яратиладиган имтиёзларни чуқурроқ тушунтириш, тарғиб қилишдир. Шунда бу жараённи тезроқ оммалаштиришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Холида НИЗОМОВА, Сирғали туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи:

— Бу ерда йирик корхоналар ҳақида гап кетаяпти. Биламизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ҳам уй меҳнатини кўпроқ ривожлантиришга ҳаракат қилишади. Очиғини айтганда, ҳозирги кунда Сирғали туманида ҳам меҳнат бўлимидан кредит олиб, уй шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этаётганлар кўп. Лекин йирик корхоналар билан гаплашганимизда улар эътироз билдиришарди: ишчи сони кўпайса, улар тўлайдиган солиқ ҳам кўпаярмиш...

Шунингдек, уй меҳнатида ишлаб чиқаришни рўйхатдан ўтказиш каби жуда кўплаб қийинчилик ва муаммолар мавжуд эди. Ушбу долзарб масала айни вақтида кўтарилди. Энди мен депутатлардан илтимос қилмоқчи эдимки, тегишли қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётганда унга уй меҳнатини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан ёндошилса.

Руфат РАЗЗОҚОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи аъзоси:

— Менимча, бу борада маркетинг масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қайси соҳада касаначиликни ташкил қилиш мумкин? Ишлаб чиқарилган маҳсулотни қандай реализация қилиш керак? ва ҳоказо...

✧✧✧

Қўшма мажлисда Оҳангарон туман Тадбиркор аёллар уюшмаси раиси, туман Кенгаши депутати Гулчеҳра Пўлатова, Тадбиркор ногиронлар уюшмаси раиси Фарҳод Абдураҳмонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Фахриддин Ражабов, Анатолий Козлов, Боймурод Юсупов ва бошқалар ҳам муҳокама этилган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ, ёзиб олди

Республика газ тақсимоти ва газ таъминоти идоралари ҳамда ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ҚИШНИНГ СОВУҚ КУНЛАРИДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ГАЗ БОСИМИ НЕГА БУ ҚАДАР ПАСАЙИБ КЕТДИ? МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШ ИМКОНИ БОРМИ?

Бу йилги қиш ўтган йиллар қишига қараганда ҳийла совуқ келди. Бунинг устига Қорақалпоғистон Республикасининг кўпчилик шаҳар ва туманларида, қишлоқ ҳамда овулларида газ босими кескин камайиб кетди. Кучли қора совуқдан айрим хонадонларда иситиш тизимлари, печлар ишдан чикди. Январь ойининг бошидаёқ бошланган совуқ кучайса кучаймоқдаки, пасайгани йўқ. Кечалари -23, -25 даражадан тушмаяпти. Сўнгги кунларда термометр -30, -33 даражани ҳам кўрсатди. Одамларнинг кўз-қулоғи об-ҳаво ҳақидаги телерадио ва газета маълумотларида...

Шу ўринда кўпчиликни ўйлантирадиган бир масалага тўхталмоқ лозим. Тошкент телевидениесининг биринчи ва «Ёшлар» дастурларида берилаётган об-ҳаво маълумотлари маҳаллий оммавий-ахборот воситалари маълумотлари билан сира тўғри келмайди. Нукус телевидениеси -23, -25 даража (баъзан кўпроқ ҳам!) совуқ деб турса, Тошкент TVсида бу кўрсаткич нари борса, -15, -17 даражадан ошмайди. Қай бирига ишониш мумкин?

Шу муносабат билан дастлаб **Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармаси раиси Айбосин Қидирниёзовга,** кейин эса **туманларнинг айрим раҳбар вакилларига** мурожаат қилдик.

— Об-ҳаво маълумотлари, — дейди А.Қидирниёзов. — кундуз кунига ва тунга алоҳида-алоҳида тузилади. Прогнознинг ўз терминатамалари бор. Улар жаҳон метеорология ташкилотлари ва миллий гидрометеорология хизмати томонидан қабул қилинган. Масалан, булут ҳақида прогноз берганимизда олти турли атама қўлланилади. Шамолнинг йўналиши бўйича саккиз хил румбалик йўналиш берилади. Унинг тезлиги — ўртача кунлик энг юқори тезлик билан ўлчанади. Об-ҳаво даражаси муайян бир манзил — шаҳарда 2 даражали, қишлоқ ҳудудларида 5 даражали интервал (оралиқ)да маълум қилинади.

Бизнинг ҳудудда энг совуқ нуқта — Нукус шаҳри. Унинг жўғрофий жойлашуви бошқа шаҳарлар ва туманларга қараганда фарқланади, атрофи қум-чўл билан ўралгани туфайли аччиқ совуқ шамол шаҳарни ҳеч бир тўсиқсиз қуршаб олади. Шамол асосан бу ерга шарқ томондан келиб, совуқни баттар кучайтириб юборади...

Кўпчиликнинг эсида, 1972 йилнинг қиш ойларида шаҳарда совуқ -32, -34 даражага етганди. 1999 ва 2002 йилларда ҳам -24, -26 даражадан кам бўлмади. Айни шу ҳол бу йил ҳам юз бермоқда. Туманларда газ босими камайиб кетганлигидан айниқса, Амударё, Тахтакўпир, Қораўзак, Нукус, Хужайли, Чимбой, Элликқалъа, Кегайли, Беруний каби қатор шаҳарлар ва туманлар аҳолиси анча-мунча қийинчилик сезаётганликлари бор гап...

Айримлар фикрича, қишга алоқадор ва қишга тегишли хизмат идоралари республика гидрометеорология бошқармаси билан яқин ҳамкорликда ишлаганларида эди, айни совуқ паллаларда об-ҳавонинг пасайиши ва кўтарилиши ҳақидаги маълумотларни вақтида таҳлил қилишганда эди, газ босимини ҳам шунга қараб пасайтириш ёки кўтариш мумкин бўларди...

— Ҳозирги пайтда, — дейди суҳбат чоғи **ЎзХДП Тахтакўпир туман кенгаши раиси С.Аллашев,** — бир кеча-кундузда 160 минг куб метр газ ўрнига 100 минг куб метр атрофида газ олинаяпти. Оқибатда туман марказининг қатор кўчаларида, «Жанадаре», «Маржанкўл», «Болтау» овулларида умуман газ йўқ...

— Бизда ҳам аҳвол шу — давом этди **Халқ Демократик партияси Беруний туман кенгаши раиси Ю.Насурлаев.** — Босим бирданига пасайиб кетди. Узоқдаги аҳоли пунктларига газ мутлақо етиб бормаяпти... Уйлар совуқ, кўмир, ўтин кам...

«Қорақалпоқгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасидан олинган маълумотга кўра, ҳудуднинг шаҳар ва туманларида 220 мингдан кўпроқ хонадон (93 фоиз) газлаштирилган. Уларга шу йилнинг январь ойи учун 257,3 миллион куб.метр газ лимит ажратилган бўлиб, бу — бир кеча-кундузга ўрта ҳисобда 8,3 миллион куб.метр газ тўғри келади, дегани. Лекин, амалда бундай бўлмаяпти. Совуқ эса тобора ўрлаб бормоқда. Бу эса салкам 10,5 миллион куб метр табиий газ талаб қилади. Масалан, собиқ Бўзатов тумани ҳудудларида газ йўқлигидан иситиш тизимлари ишдан чиқиб, болалар совуқ биноларда ўқишаяпти.

Тўғри, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида «Қорақалпоқ кўмир» базасида бу йилги **«кузги-қишки мавсум учун ҳудуддаги бюджет корхоналарига 4,5 минг тонна кўмир, 2,5 минг тонна суюлтирилган ёнилғи тайёрланди, газ етиб бормаган ва газ босими паст аҳоли пунктларига 2,6 минг тонна кўмир етказиб берилди»,** — деган расмий маълумотлар бор. Лекин бу — шу кунлардаги вазиятдан чиқиб кетиш учун етарли чора эмас.

Қолаверса, бу ҳолни «Қорақалпоқгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси ва «Урганчтрансгаз» давлат акциядорлик жамияти раҳбарлари (Х.Ойманов, З.Ботиров) қандай баҳолайди? Шу ўринда гапнинг тўғриси, аҳолига яхшироқ хизмат қилиш нияти бўлса, «Урганчтрансгаз» давлат акциядорлик жамияти мутасаддилари Урганч шаҳрида туриб эмас, Нукус ёки Кўнғирот шаҳрига келиб, аҳволни ўз кўзлари билан кўриб хулоса чиқаришлари керакдек, назаримизда. Агар шундай қилинмаса, Қорақалпоғистонда газ таъминотидаги муаммолар муаммолигича қолаверади. Масалан, энг совуқ бўлган кунларда (ўтган йилларда ҳам!) жамият раиси З.Ботиров бирор марта шимолий ҳудудларга келиб «ҳолингиз қалай?» деб сўрагани йўқ. У кишини изласангиз ҳам топиш амри маҳол...

Қорақалпоғистон иқлими ҳаддан ташқари кескин континентал ва қуруқ. Бунинг устига экологик жиҳатдан оғирроқ муҳитда яшаётган аҳоли бугунги бўронли кунларда газ таъминоти танқислигини бошқаларга нисбатан кўпроқ сезишмоқда.

Республика газ тақсимоти ва газ таъминоти идоралари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари нима дейишар экан? Қандай тадбирий чоралар кўрилаяпти? Бу саволларга кўпчилик жавоб кутмоқда.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

СИФАТЛИ ВА МАЗАЛИ

Самарқандда «HTN» шўъба корхонасининг иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ.

Корхона майиз маҳсулотларини харидорларга етказиб беришга ихтисослашган. Айни кунда бу ерда қирқ беш нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар ҳозир 12,5 ва 14 килолик идишларда қандолатчилар учун ярим тайёр маҳсулот — ювилган, сараланган, кунгабоқар мойи билан мойланган сариқ ва қора майизларни Россияга пешма-пеш жўнатмоқда.

Суратларда: ишчи Нозима Тиллаева, иш бошқарувчи Абдуазиз Раҳимов, оператор Альтун Месут ва ишчи Маъмура Азимова; муҳандис-технолог Насим Боботоев.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

● Шарҳ

ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ

ҚАНДАЙ ТАШКИЛОТ, УНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ? УНГА АЪЗО БЎЛСАК, ҚАНДАЙ НАФ КЎРАМИЗ?

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) бундан олти йил олдин Белоруссия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон иштирокида ташкил этилган. Кейинчалик Арманистон, Молдова ва Украина кузатувчи мақомига эга бўлди.

Бу халқаро ташкилот ўзининг бошқарув тизимларига эга. Асосий тизимлар Давлатлараро Кенгаш, Интеграцион Қўмита, парламентлараро Ассамблея ва ҳамжамият Судидан иборат. Дастлаб бешта давлат раҳбарлари имзолаган шартномада ҳар бир тизимнинг мақоми ва вазифаси белгилаб берилган. Давлатлараро Кенгаш ташкилотнинг олий органи ҳисобланади. Интеграцияни ривожлантиришнинг истиқболлари ва йўналишлари, стратегия масалалари унинг ваколатига киради. Кенгаш таркиби давлат ва ҳукумат раҳбарларидан иборат. Интеграцион Қўмита эса доимий ишлайдиган орган бўлиб, унинг таркибини бош вазир ўринбосарлари ташкил этади. Кундалик ишларни ҳар бир давлат томонидан тайинланган доимий вакиллар комиссияси таъминлайди.

Давлатлараро Кенгаш ҳамда Интеграцион Қўмита фаолиятларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш вазифаси Бош котиб раҳбарлик қиладиган Котибият зиммасига юкланган. Бош котиб Давлатлараро Кенгаш томонидан уч йил муддатга тайинланади.

Ҳамжамиятнинг Парламентлараро Ассамблеяси қонунчиликни уйғунлаштириш билан шуғулланади. Ташкилот доирасида қабул қилинган қарорлар бажарилишини ҳамда халқаро шартномалар қўлланилишини таъминлаш ҳамда иқтисодий характердаги низоларни ҳал этиш ҳамжамият Суди ваколатига киради.

ЕврАзЭСни ташкил этиш тўғрисидаги шартномада савдо ва иқтисодий соҳаларда яқин ҳамда самарали ҳамкорлик қилишнинг аниқ йўллари ва йўналишлари ифодалаб берилган. Мақсадга эришиш йўлидаги вазифалар кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, эришилган битимларни реализация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, имзоланган халқаро шартномаларни бажариш механизмлари, қабул қилинган қарорлар устидан назорат қилиш тизимлари кўзда тутилган. Унда аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан юксак даражага кўтаришнинг истиқболли имкониятларига эътибор қаратилган.

Ўтган даврда ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг қоида ва меъёрларини қайта кўриб чиқиш, ҳужжатлар устида ишлаш, бошқарув органлари фаолиятларини тартибга солиш, айрим лавозимларни эгаллаб турган шахсларнинг мақомлари, имтиёз ва иммунитетларини мустаҳкамлаш, ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида бир қатор ишлар қилинди. Аъзо давлатлар эркин савдо тартибини ўрнатиш, фуқаролар ҳамда юкларнинг эркин ҳаракат қилишлари, даврий нашрларга эркин ёзилиш, почта хизмати ва пул жўнатиш тартибини соддалаштириш, таълим, илмий даража ва унвонлар тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этиш, акцизли товарларнинг рўйхатини аниқлаш, жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун ҳаракатда ўзаро келишилган ёндошувни ишлаб чиқиш каби масалаларда маълум бир натижаларга эришдилар.

Шубҳасиз, бундан ЕврАзЭС бир маромда силлиқ фаолият кўрсатяпти, деган хулоса чиқармаслик керак. Кун тартибида турган, бироқ ечимини топмаётган муаммолар ҳам кўп. Аъзо давлатлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб киритаётган таклифлар ҳар доим ҳам қўллаб-қувватланавермайди. Чунки, бир давлат учун долзарб ҳисобланган масала бошқа бир давлат учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Ҳозиргача ташкилот доирасида 84 та битим имзоланган бўлса, шундан олтмиштаси кучга кирди. Уларнинг аксарияти аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бу борада таклиф этилаётган аниқ режа ҳамда тадбирлар ҳам йўқ эмас. Темир йўл тарифларини қўллашда бирхилликка эришиш, божхона хизматида маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш, ташқи бозорга чиқариладиган экспорт товарларнинг биргаликдаги ҳаракатини мувофиқлаштириш, ўзаро савдода ҳимоя пошлинасини қўллаш, ярмарка-кўргазма тадбирларини ўтказиш бўйича ишларни кучайтириш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш ва сифатни бошқариш бўйича ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, сертификациялаш зарур бўлган маҳсулотларнинг ягона рўйхатини аниқлаш ва бошқа яна бир қанча вазифалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ЕврАзЭСга аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг Бош режа лойиҳасини яратиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу режани амалга оширишдан кўзланган мақсад ички ҳамда ташқи рақобатда бир хил товарлар кўпайиб кетишининг олдини олиш. Агар ташкилотга аъзо давлатлар сафи кенгайса, шубҳасиз, янги режалар ҳамда муаммолар пайдо бўлади. Бироқ ташкилотнинг салоҳияти ошади, имкониятлари кенгаяди.

Бугунги кунда интеграцион ҳамкорлик бир неча йўналишда олиб борилмоқда. Божхона иттифоқини шакллантириш, мувофиқлаштирилган иқтисодий сиёсат олиб бориш, энергетика бозорини шакллантириш ва биргаликда ривожлантириш, транспорт иттифоқини тузиш ва унинг қувватини ошириш, агросаноат секторида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, умумий хизмат кўрсатиш бозорини яратиш, молия бозори ва валюта интеграциясини ривожлантириш, ижтимоий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш, ташкилот бошқарув органларининг ваколатларини кенгайтириш каби вазифалар шулар жумласидандир.

ЕврАзЭС Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомига эга.

Маълумки, ўтган йилнинг кузида Марказий Осиё Ҳамкорлиги (МОҲ) ташкилоти ЕврАзЭС билан бирикиб кетди. Ана ўшанда Ўзбекистон ЕврАзЭСга аъзо бўлиш истагини билдирганди.

Хўш, нега Ўзбекистон ЕврАзЭСга аъзо бўлишга қарор қилди?! Бунинг асосий сабаблари нимада? Бундан биз қандай мақсадларни ва манфаатларни кўзлаганмиз? Бу каби саволларга жавобни Президент Ислом Каримовнинг Тошкент аэропортида берган интервьюсидан топасиз. Марказий Осиё катта давлатларнинг геосиёсий манфаатлари тўқнашган жой. Шу жиҳатдан олганда, кейинги пайтда минтақада вазиятнинг ўзгариши кузатилмоқда. Бу ўзгариш миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, стратегик мақсадларимизни мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда. Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги ва барқарорлиги, ҳудудий дахлсизлик ҳамиша стратегик мақсадимиз бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Президент таъбири билан айтганда, глобаллашув шароитида ҳеч бир давлат ўз ҳолича ривожланмайди. Иқтисодий интеграция зарур. ЕврАзЭС таркибида Ўзбекистон интеграция жараёнини сифат жиҳатдан юксак даражага кўтариши мумкин. Россиянинг катта бозори бор. Янги ҳамкорлик шароитида бу бозордан мақсадли фойдаланиш Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларини янги мазмун билан бойитади. Бу жуда ҳам зарур. Буни ҳеч қачон эътибордан қочирмаслик керак.

Ер юзидаги тинчлик ва тараққиётдан ҳамма манфаатдор. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам. Шундай экан, мамлакатимиз ЕврАзЭСдаги давлатлар билан бирга жаҳонда тинчлик ва тараққиётга ҳисса қўшишга қарор қилганлигини фақат табриклаш керак. Шунингдек, бундай ҳамкорлик қўшни давлатлар билан аҳил ва иноқ бўлиб яшашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Интеграция жараёнида катта лойиҳалар амалга оширилади. Бу Уст-Юртда уч йил мобайнида газ соҳасида геология-қидирув ишлари олиб бориш ҳамда аниқланган газ ва нефтни ўзлаштириш билан боғлиқ лойиҳалардир. Бу ишларга қарийб бир ярим миллиард доллар маблағ сарфланади. Умуман, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда бир қатор жиддий лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон ЕврАзЭСга тўлақонли аъзо бўлишга қарор қилганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, кейинги пайтда мамлакатимизда бозор муносабатлари йўналишида бир қатор фармонлар ҳамда қарорлар қабул қилинди. Улар асосан саноат, шу жумладан, маҳаллий саноат, шаҳар транспорти ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришларига дахлдор. Интеграция жараёнида маҳсулотларимизни сотиш имкониятларидан фойдалансак қандай яхши. Тўхтаб қолган корхоналарни ишга тушириш, кам қувватли корхоналар қувватини ошириш, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтириш, нафақат мамлакатимиз иқтисодий қувватини оширишда, балки ишсизликни бартараф этишда ҳам катта аҳамият касб этади. Айниқса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида пахта ва пилладан ташқари ҳам даромад олиш имкониятларимиз катта. Ўзбекистонда етиштирилган узум, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг бозори ҳамиша чаққон. Шу жиҳатдан олганда ЕврАзЭСга аъзо мамлакатлар бозори биз учун қулай имконият.

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг газ экспорт қилишдаги салоҳияти ҳам катта. Интеграция жараёнида бу салоҳиятнинг салмоғи яна ҳам ортиши мумкин. Ички истеъмолда эса кўрсаткичимиз юқори: газлаштириш 86 фоизга тенг. Газни исроф қилмасликнинг йўлларини ахтариш зарур. Айтайлик, иссиқхона хўжаликларида кўмир ишлатса бўлади. Бу кўмир конларида ишни жонлантиришга туртки бўлармиди. Қанча одам иш билан таъминланишини айтмайсизми. Умуман, интеграция жараёнида даромад олишнинг бошқа имкониятлари ҳам кўп.

Кеча Санкт-Петербургда юз берган воқеа нафақат ЕврАзЭСнинг салоҳиятини оширишда, балки Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини амалда намоён этишда ҳам тарихий аҳамиятга эга. Бундан интеграция жараёнида фаол қатнашадиган барча давлатлар ютади, ҳеч ким ютқазмайди.

Ўзбекистон ЕврАзЭС доирасида ҳамкорликни йўлга қўйиш билан ислоҳотлар йўлида яна бир дадил қадам ташлади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи



✓ ҚУВАЙТ

Қувайтнинг Вазирлар Маҳкамаси бош вазир шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ас-Сабоҳни мамлакатнинг янги раҳбари этиб тайинлади. Бу қарор мамлакат парламенти томонидан тасдиқлангач, у ўтган ҳафтада ҳаётдан кўз юмган Қувайт амири шайх Жобир ал-Аҳмад ас-Сабоҳ ўрнини эгаллайди.

Қонун бўйича ҳукумат тахт вориси 75 ёшли Саад ал-Абдулла ас-Сабоҳга ўтиши керак эди. Бироқ мамлакат парламенти тиббий комиссиянинг хулосасига асосланиб, шайх Саад соғлиги ёмонлиги туфайли мамлакатни бошқара олмайди деган фикрга келди.

Қувайтнинг янги раҳбари ҳам 75 ёшда. У охирги 4 йил давомида амирлик бошқарувини деярли қўлга олган эди. Чунки 15 январь куни ҳаётдан кўз юмган шайх Жобир ва ворис ҳисобланган шайх Саад соғликлари ёмонлашгани туфайли мамлакат бошқарувини айнан шайх Сабоҳга топширганди.

✓ ФАЛАСТИН МУХТОРИЯТИ

Кеча Фаластин мухториятида парламент (Қонун чиқарувчи мажлис)га сайловлар бошланди.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 1,34 миллион фуқаро учун 16 округда 989 та сайлов участкалари очилди. Шарқий Қуддус яқинида яшовчи 50 мингга яқин араблар почта бўлимлари ёрдамида овоз бериш имкониятига эга бўлди.

Парламентга 132 депутат сайланади. Сайловда Фаластиннинг деярли барча сиёсий партиялари ва ҳаракатлари номзодлари иштирок этмоқда. Улар орасида ФАТХ, ХАМАС, Фаластин озодлик миллий фронти, Фаластин озодлик демократик фронти ва бошқалар бор.

Сайловда саккиз юз элликдан ортиқроқ халқаро кузатувчилар иштирок этмоқда.

Сиёсий тадбир хавфсизлигини 13 мингдан ортиқроқ Фаластин полиция хизмати таъминламоқда.

✓ ШВЕЙЦАРИЯ

Швейцариянинг Давос шаҳрида ўттиз олтинчи Жаҳон иқтисодий форуми очилди. Бу йилги форумда Ҳиндистон ва Хитой билан тижорат қилиш масаласи муҳокама қилинмоқда. Бундан ташқари йиғилишда энергетик хавфсизлик масаласи ҳам кун тартибининг бошида турибди.

Дунё иқтисодиёти Ироқ уруши ва нефть нархларининг ошишига дош бера олганига қарамай муаммолар камайди деб бўлмайди. АҚШда рўй берган «Катрина» тўфони энергия билан таъминловчи тизимларнинг табиий офатларга дош бера олмаслигини кўрсатган бўлса, Россия ва Украина ўртасидаги газ можароси Европани хавотирга солиб қўйди. Бу эса дунё ҳамжамиятини энергиянинг муқобил манбаларини қидиришга ундамоқда.

Учрашувда дунёнинг етакчи нефть ва суғурта компаниялари раҳбарлари, МАГАТЭ раҳбари ва АҚШ президентининг энергетика масалалари бўйича маслаҳатчиси иштирок этмоқда.

✓ АҚШ

Пентагоннинг расмий вакили Барри Венеблнинг маълум қилишича, Ироқдаги Америка қўшинларининг сони 136 мингча қисқартирилди.

Ироқда ўтган йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловларидан олдин ҳарбийлар сони юқорида қайд этилганга яқин эди. Бироқ сиёсий тадбирда хавфсизлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ироққа қўшимча контингент киритилган ва ҳарбийлар сони 160 мингга етган эди.

Американинг Стратегия ва бюджет борасидаги баҳолаш марказининг ижрочи директори Эндрю Крепиневич Пентагон буюртмаси билан Ироқ ва Афғонистондаги кампаниялар АҚШнинг қуруқликдаги қўшинларга қандай таъсир кўрсатишини таҳлил қилиб чиқди. Экспертнинг фикрича, Ироқ кампаниясининг чўзилиб кетиши Америка армияси сафига қўшилмоқчи бўлганлар ва айни пайтда шартнома асосида хизматда бўлганларнинг орасида шартномасини узайтиришни хоҳловчилар сонини кескин камайтириб юборар экан. Оқибатда эса Мудофаа вазирлиги нафақат Ироқдаги қўшинлар ротациясини таъминлаш, балки ҳарбийлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқишига тўғри келади. Крепиневич шу йилнинг охиригача Ироқда 100 минг ҳарбий қолдиришни маслаҳат берди.

СП «Медиз», находящееся по адресу: Ташкентская область, Кибрайский район, поселок Геофизика, уведомляет о том, что определением хозяйственного суда Ташкентской области от 20.01.2006г. по делу №11-0622/471 в отношении общества введена процедура банкротства в форме наблюдения.

Дело к судебному разбирательству в заседании хозяйственного суда назначено на 01.03.2006г. в 10⁰⁰ час в административном здании СП по месту нахождению СП.

Для предъявления требований кредиторов к СП установлен тридцатидневный срок с даты опубликования настоящего объявления.

Собрание кредиторов должника назначено на 27.02.2006 г. в 11⁰⁰ час в административном здании СП.

Хозяйственным судом Временным управляющим назначен Зиямухамедов Улугбек Махамадкаримович, находящийся по адресу: Ташкентская область, Кибрайский район, поселок Геофизика.

● Мулоҳаза

БОЗОР ШАРОИТИ МУТАХАССИСИ

КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА БАРҚАРОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Республикамизда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёни жадал кечмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кичик бизнес, умуман олганда тадбиркорликни ривожлантиришда, уларга керакли шарт-шароитлар яратиб беришда ҳукуматимиз томонидан ва соҳага мутасадди бўлган қўмита ҳамда ташкилотлар, тузилмалар иштирокида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Шу нуқтаи назардан ҳам мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида **«Учинчи муҳим устивор вазифа — кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборат»** деб таъкидлаб ўтилди. Айнан ушбу асосий йўналишни рағбатлантириш мақсадидаги фармонлар, қарорлар, қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши мамлакатимизда соҳа тараққиётига кенг йўл очиб бермоқда. Айни пайтда бугунги иқтисодий янгиланиш даврида уни ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқлар билан бирга ҳали қилинадиган кўпгина ишлар ҳам мавжуд.

Булардан бири — тадбиркорларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини янада ошириш масаласи. Кўпгина тижорат банкларида кредит олиш учун тақдим этилган бизнес-режаларни, ҳисоботларни кўрадиган бўлсак, айрим тадбиркорларнинг иқтисодий билим ва малакаси бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олмаслиги сезилмоқда. Бу эса кичик бизнес субъектларида мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Тўғри, бу борада бирмунча давлат ва нодавлат инфратузилмалари ташкил этилган. Биргина Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси қошидаги тадбиркорларга ахборот-маслаҳат кўрсатувчи марказлар томонидан 2004 йил якуни бўйича 31337 нафар тадбиркорга турли йўналишлар бўйича иқтисодий билимлар берилди. Бу марказлар географияси республикамизнинг ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманлари фаолиятида яққол кўринаяпти ҳам. Бироқ, ҳозирги бозор иқтисодиётининг кескин ривожланаётган даврида юқоридаги марказлар фаолиятини ҳали янада такомиллаштириш, уларнинг хизмат турларини давр талаблари даражасига кўтариш, янги замонавий ўқув услубларини қўллаш, информацион технологиялардан кичик бизнес ва фермерларга керак бўладиган «ноу-хау»лар ҳамда инновацион лойиҳалардан фойдаланиш каби ишларни олиб бориш керак бўлади.

Маълумки, бу муаммони ҳал этиш йўлида ҳукуматимиз «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни қабул қилган. Барча вилоят, шаҳар ва ҳатто чекка туманларда ёш кадрлар савиясини ошириш мақсадида замон талаблари даражасидаги коллеж, лицей сингари турли билим масканлари ҳам очилди. Уларнинг моддий-техникавий базаси янгиланди. Фикримизча, янги қуриб битказилган ушбу коллеж ва лицейлар базасида хўжалик шартномаси асосида, жойлардаги савдо саноат палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги ҳамкорлигида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари ҳам ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, коллеж ва лицейларда ўқув жараёнлари куннинг биринчи ярмида тугашини инобатга олиб, куннинг иккинчи ярмида марказлар ўз фаолияти билан шуғуллансалар, вақтдан ҳам, жойдан ҳам самарали фойдаланилган бўларди. Уларда тадбиркорлар, фермерлар учун қисқа, яъни 3 ёки 7 кунлик курслар — ўқув жараёнлари олиб борилса етади. Уларга деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, ҳисобчилар, бухгалтерия ва аудиторлик хизмати ходимлари, солиқ ва солиқ имтиёзлари, суғурта, божхона, йўналишлари бўйича мутасадди идораларнинг ҳам етук мутахассислари жалб этилса, нур устига нур бўлар эди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, таклиф этилаётган марказларни самарали ташкил этишда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши мумкин. Масалан:

- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда корхоналарнинг институтлар, коллежлар, лицейлар билан бевосита интеграциясини таъминлаш;
- тажрибали профессор-ўқитувчиларни таълим марказларига жалб этиш;
- кадрлар тайёрлаш бозори мониторингини олиб бориш;
- коллеж ва лицейлар базасида қатъий хўжалик шартномаси асосида Савдо саноат палатаси ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлар уюшмаси вакиллиги ҳамкорлигида ташкил этилган марказ тингловчиларига талаб даражасидаги сертификатлар бериш;
- ташкил этилган марказлар ўқув машғулотлари дастурини талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартириб, яъни мунтазам янгилаб бориш;
- Россия ва МДҲ ҳамда бошқа хорижий давлатлар коллежлари ҳамда ўқув масканлари билан алоқа (интеграция)ни янги босқичга кўтариш...

Яна бир истак: жойлардаги марказларни ташкил этишда маҳаллий ҳокимият раҳбарлари амалий кўмак кўрсатсалар айни муддао бўларди. Шунингдек, ташкил этилган ўқув курсларида банк, адлия, солиқ бошқармалари мутахассислари иштирокида очиқ мулоқотлар, тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоблар сингари учрашувлар ҳам ташкил этилса, деган таклифимиз бор.

Бундай тадбирлар, шубҳасиз, кичик бизнеснинг республика ялпи ички маҳсулотидаги улушининг келгусида янада кўпайишига, мамлакатимиз иқтисодиётининг кенг кўламда барқарор ривожланишига катта ёрдам беради.

Омилхон ИСМАИЛОВ,
иқтисод фанлари номзоди

● Иқтисодиёт ва ислоҳот

САНОАТ ЧЎЛГА КИРИБ БОРДИ

ЁКИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАКОР ТУМАНИДА ИШГА ТУШИРИЛГАН КИЧИК КОРХОНА ХУСУСИДА

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги автобаза бозор иқтисодиёти шароитига дош беролмади. Натижада корхона банкротга учради. Боз устига мол-мулки талон-торож бўлди.

Вайронага айланган бинолар ва уч гектарлик ҳудуд савдога қўйилди. 2005 йилнинг кўкламида уларни россиялик ва тошкентлик сармоядорлар сотиб олишди.

Маълумки, Пахтакор, Арнасой, Зафаробод туманлари асосан пахтачиликка ихтисослашган. Етиштирилган ҳосил пахта заводларида қайта ишлангач, унинг чигити қаёққа кетаяпти? Салмоқли қисми бошқа вилоятлардаги ёғ-мой корхоналарига жўнатилгани бор гап. Лекин, хўжаликлар ва фермерлар ўсимлик ёғи, кунжара ва шелухани у ерлардан олиб келишга қийналаяпти-ку? Устига-устак йўл харажатини айтмайсизми?

Буни ҳисобга олган тадбиркорлар Пахтакорнинг ўзида кичик ёғ заводи қуришга қарор қилишди. «Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмаси раҳбарлари, Жиззах вилояти ҳокимлиги мутасаддилари ташаббусни қўллаб-қувватлашди ва ёрдам беришга киришди.

Бироқ корхонани бунёд этиш осон кечмади. Ниҳоят уч гектарлик қурилиш майдони бетонлардан тозаланиб, тайёрланди. Бутун ёз бўйи бульдозер ва кўтарма кранларнинг шовқини тинмади. Қурувчилар астойдил ишлашди.

Ўтган йилнинг октябрь ойи охирларида кўпдан орзиқиб кутилган дамлар етиб келди. Корхонанинг дастлабки навбати — чигит қабул қилиб олиш омбори, уни пресслаб ёғ олиш ва рафинациялаш (тозалаш) цехи шай ҳолга келди. Россия Федерациясидан чигит қовуриш ускунаси, Германиядан пресслаш технологияси жиҳозлари келтирилди.

Қисқа муддатда пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари билан қатор шартномалар тузилди. Уларга кўра тумандаги 738 нафар, Арнасойда 630, Зафаробод туманида 297 нафар фермер хўжаликлари янги корхонага чигит етказиб берадиган бўлдилар...

Хуллас «Жиззах ёғ» деб ном олган масъулияти чекланган жамият кўп ўтмай экологик жиҳатдан тоза ўсимлик мойи ишлаб чиқаришга киришди. Тайёр маҳсулот биринчи галда хомашё етказиб берувчиларга, яъни фермер хўжаликларига жўнатила бошланди. Бунинг учун жойларда зудлик билан махсус шохобчалар ташкил этилди. Ҳозир Арнасой ва Зафаробод туманлари фермерлари ҳеч қандай қийинчиликсиз ўзларига тегишли маҳсулотларни мазкур ҳудудлардаги шохобчалардан олмоқдалар. Улар бу ердаги омбор мудирлари ва тарозибонлар хизматидан мамнун.

— Энг муҳими, жамиятимиз иш бошлагач, бу ерда маҳаллий ёшлардан 90 нафари иш билан таъминланди, — дейди **корхона раҳбари Парда Исмоилов.** — Ниятимиз эришилган натижаларни янада кўпайтириб, йилига 34 минг тонна чигит қабул қилиб оладиган омборхона қурилишини жадаллаштириш ва мамлакатимизда ёғчиликка ихтисослашган кичик корхоналар орасида биринчи бўлиб, ўз экстракция цехимизни бунёд этишдир. Ҳозир барча лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу борада бизга Жўра Зуфаров раҳбарлигидаги «Оил Индастри Инжиниринг» компанияси ёрдам бермоқчи... Лойиҳалаш ва бошқа ишларни ҳам айни шу фирма бажаришга киришди. Бундан ташқари Валерий Бабков бош бўлган «Темирчи файз» масъулияти чекланган жамияти жамоаси керакли технология эҳтиёт қисмлари етказиб бермоқда. Асбоб-ускуналар ва дастгоҳларни таъмирлашда моҳир уста Валентин Ратушний ўз ёрдамчилари билан яқиндан кўмак бераётир. Уларнинг барчаси шу соҳада тажриба орттирган моҳир мутахассислар.

Шунингдек, ўтган йил охирларида корхонага Хитой Халқ Республикаси фирмаларида ишлаб чиқарилган 5 та контейнерда экстрактор дастгоҳлари россиялик ҳамкорлар орқали келтирилди. Экстракция цехи шу йил февраль ойида қуриб битказилади. У ишга тушгач, корхона қуввати 200 тоннага етади. Чигитдан ёғ олиш миқдори ҳам кескин ортади. Бир сўз билан айтганда, 2006 йил — янги корхонанинг оёққа туриш ва ривожланиш йили бўлади. Келгуси йил совун цехи қуришни режалаштирганмиз. Бундан ташқари қиздирилган ва тозаланган ўсимлик мойини полиэтилен идишларга қуйиш цехи бунёд этишни ҳам мўлжаллаб қўйдик. Кунжара, шелуха омборхоналари учун махсус бинолар қад кўтаради...

Хўш, бу ерда кимлар ишлайди? Мутахассис ёшлар борми? Назаримизда, сармоядорлар буни ҳам ўйлаб қўйишган. Яқин кунларда корхонада маҳаллий ёшларни ўқитиш, ишга ўргатиш курслари фаолият бошларкан. Тажрибали устозлар ва малакали мутахассислардан иборат гуруҳ таркиби тузилди. Яқинда Тошкентдан келган 20 нафар мутахассис, технолог ва лаборатория ходими иш бошлаб юборишди.

Мухтасар айтганда, корхона сармоядорларининг нияти — қишлоқ ёшлари учун янги ва муқим иш ўринлари яратиш ҳамда чўл ҳудудига саноатни олиб кириш...

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

● Маданият

Самарқанд давлат музей қўриқхонасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекмузей» жамғармаси ташаббуси билан «Музейлар фондларидаги экспонатларнинг рўйхатга олиниши ва сақланиш ҳолатини ўрганиш» мавзуида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИ ЭЪТИБОРДА

Унда маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Азамат Ҳайдаров иштирок этиб, бу соҳада олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди. «Ўзбекмузей» жамғармаси раиси Н.Ҳабибуллаев, Самарқанд давлат музей қўриқхонаси бош муҳофизи О.Погероловалар музейлардаги экспонатларни сақлашнинг ҳозирги аҳволи, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бундан ташқари, семинарда «Централ Азия» ваколатхонасидан профессор Гай Петер Брижнинг чиқиши кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари этнография, фотоҳужжатлар, ўлкашунослик музейи, нумизматика, археология, рангтасвир, қўлёзмалар фонди ва илмий кутубхонаси, «Афросиёб», «Улуғбек» музейлари экспозициялари билан ҳам танишдилар.

Мухтасархон КАРИМОВА

УЛАР ИТАЛИЯГА БОРИШАДИ

Шу йилнинг 10-26 февраль кунлари Италияда XX қишки Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Қишки спортнинг ўн саккиз тури бўйича уюштирилаётган ушбу нуфузли мусобақада Ватанимиз спортчилари ҳам қатнашадилар

Мамлакатимиз спортчилари яхлит жамоа сифатида илк маротаба 1994 йил Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтказилган XVII қишки Олимпия ўйинларида иштирок этишган. Унда маҳоратли спортчимиз Лина Черязова фристайл бўйича уюштирилган баҳсларда олтин медалга сазовор бўлганди.

Навбатдаги Турин олимпиадасида уч нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Булар муз устида нафис учиш бўйича жуфтлик — Марина Аганина ҳамда Артём Князев, шунингдек, тоғ чанғи спорти баҳсларида қатнашадиган Қайрат Эрметовлардир.

Айни пайтда вакилларимиз нуфузли мусобақага сўнгги тайёргарликни олиб боришмоқда. Жумладан, асосий машғулотларини Россияда ўтказган фигурали учиш усталари Марина Аганина ҳамда Артём Князевлар куни кеча Америкага жўнаб кетишди. Улар ҳозирда АҚШнинг Коларадо штатида уюштирилаётган тўрт қитъа (Осиё, Африка, Австралия, Америка) чемпионатида ўз маҳоратларини яна бир карра синовдан ўтказишмоқда. 29 январга қадар давом этадиган бу мусобақадан сўнг вакилларимиз тўғридан-тўғри Италияга йўл олишади. Спортчиларимизга тажрибали мутахассис Пётр Кипрушев мураббийлик қилмоқда.

Қайрат Эрметов эса мураббий Вячеслав Стенин қўл остида мусобақага ҳозирлик кўрмоқда. Ёшлар ўртасида 2004 йил ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медаль совриндори бўлган бу чанғичимиз айни чоғда Чимён тоғ ён-бағирларида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказяпти.

XX қишки Олимпия ўйинларида спортчиларимиз билан биргаликда муз устида нафис учиш баҳсларида тажрибали мутахассис Евгений Рохин ҳакам сифатида иштирок этиши кутилмоқда.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: вакилларимиз Марина Аганина ва Артём Князев.

● Спорт

МАЛИКА МАРАДОНАНИ СУДГА БЕРДИ

AFP хабарига кўра, Францияга қарашли Бора-Бора оролларида ўтказилган «Гўзаллик маликаси» кўригининг собиқ ғолибаси аргентиналик машҳур футболчи Диего Марадонани судга берган. Малика Тумата Ваймараенинг таъкидлашича, Марадона тунги клублардан бирида унга қарата стакан улоқтирган. Шиша синиқлари собиқ маликага жароҳат етказган ва шифокорлар унинг бир неча жойини тикишган.

Бу воқеа оролдаги меҳмонхоналардан бирида юз бериб, Марадона бу ерда ўз қариндошлари билан дам олаётган эди. Агар суд Марадонанинг маликага тан жароҳати етказганини исботлай олса, машҳур футболчи камида 3 йилга қамалиши мумкин.

ВАЛУЕВ АДВОКАТ ЁЛЛАМОҚЧИ

19 январь куни WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони ўта оғир вазнли боксчи Николай Валуев билан спорт мажмуи қоровули ўртасида бўлиб ўтган можаро юзасидан Санкт-Петербург прокуратураси шуғулланадиганга ўхшайди. Ҳозирча жиноий иш қўзғатилгани йўқ. Валуев эса ўзини ҳимоя қилиш учун адвокат ёлламоқчи эканини маълум қилди. Ҳатто, у жамоатчиликка воқеа аслида қандай бўлганлиги ҳақида ахборот бермоқчи. Маълумки, ўша куни Валуев турмуш ўртоғининг сўзига кириб, «Спартак» спорт мажмуаси қоровули Юрий Сергеевни урган, жабрланувчига шифокорлар мия қобиғининг лат еганини, кўкрак қисмининг эзилгани ҳақида ташхис қўйишган. Валуевнинг гапига қараганда, машинани алоҳида жойга қўймагани учун қоровул унинг рафиқасини ҳақоратлаган эмиш. Шунинг учун ҳам чемпион қоровул билан эркакчасига гаплашиб қўйган.

Согласно определению хозяйственного суда Ташкентской области от 23.01.2006г. по делу №11-0522/5733 Зиямухамедов Улугбек Махамадкаримович назначен ликвидационным управляющим СП «Land Tehnik-Toshkent».

ВАЛЕРИЙ НЕПОМНЯШИЙ — ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ

Россиялик мутахассис Валерий Непомняший Ўзбекистон Футбол федерацияси билан икки йил муддатга шартнома имзолади. Янги бош мураббий олдида Ўзбекистон миллий терма жамоасини Осиё чемпионати саралаш учрашувлари ва 2007 йилда бўладиган мазкур мусобақанинг финал босқичида муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш вазифаси турибди. Агар Валерий Кузмич раҳбарлигида футболчиларимиз юқори натижаларга эришсалар, бош мураббий билан тузилган шартнома муддати яна икки йилга узайтирилади.

ЎФФ билан шартнома имзолаган таниқли мураббий дастлабки кунданоқ ишга киришди. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида уюштирилган матбуот анжуманида Валерий Непомняший журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Хабарингиз бор, 22 февраль куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш босқичининг илк учрашувида Бангладеш футболчилари билан куч синашади. Ушбу масъулиятли ўйин олдидан ўқув-йиғин машғулотлари Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилиши мўлжалланмоқда. Шу боис, Сингапур терма жамоаси билан ўтказилиши кутилган ўртоқлик учрашуви бекор қилинди. Аниқроғи, бунга «Пахтакор» футболчиларининг 5 февралда БААга йўл олиши сабаб бўлди. Чунки миллий терма жамоа асосини пахтакорчилар ташкил этади. Айни пайтда мамлакатимиз бош жамоасининг ўн олти нафар аъзо ва номзодлари «Пахтакор» таркибида машғулотларда қатнашмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Валерий Непомняший бир вақтнинг ўзида «Пахтакор» жамоасида ҳам фаолият кўрсатади. БААда уюштириладиган йиғин чоғида бош мураббий, шунингдек, Юрий Цой, Камолиддин Кенжаев, Зафар Холмуродов («Машъал», Муборак) Виталий Денисов (ЦСКА, Россия), Виктор Карпенко («Қайрат», Алмати), Марат Бикмаев («Рубин» Қозон), Улуғбек Бақоев («Тобол» Кустанай)ларни ҳам кўрикдан ўтказади. Бу футболчилар БААга 12 февралда етиб боришади. Бош мураббий Валерий Непомняший раҳбарлигида миллий терма жамоа аъзолари Бирлашган Араб Амирликларида Россия ва бошқа давлатларнинг футбол клублари билан бир неча ўртоқлик учрашувлари уюштиради. Сўнгра вакилларимиз 19 февралда Тошкентга қайтиб келишади. Шу куни терма жамоанинг қолган аъзолари Евгений Сафонов, Алексей Николаев, Леонид Кошелев (барчаси «Шинник», Ярославлдан), Андрей Фёдоров («Рубин», Қозон), Владимир Радкевич («Урал», Екатеринбург), Александр Гейнрих («Торпедо», Москва), Максим Шацких («Динамо», Киев)лар таркибга келиб қўшилишади.

● Коинот сирлари

САТУРНГА ОИД ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Қуёш тизимидаги 9 та сайёра ҳақида шу пайтгача билганларимиз телескоплар ва фазовий йўлдошларга ўрнатилган асбоблар ёрдамида олинган манбаларга асосланарди. Демак, ўз-ўзидан маълумки, сайёралар бир неча минг-миллионлаб километр узоқликда туриб кузатилган. Шунинг учун ҳам улар ҳақида билганларимиз илмий фаразлар ва илмий-тахминий таҳлилларга асосланган.

Хўш Қуёш тизимининг олтинчи сайёраси — Сатурн ҳақида нима билардик?

1998 йили чоп этилган уч жилдлик «Мўъжиза китоб» — болалар учун универсал энциклопедиянинг 1-жилдида Сатурн ҳақида қуйидаги маълумотлар берилади: осмонни биринчи бўлиб телескоп ёрдамида тадқиқ қилган буюк итальян олими Галилео Галилей 1610 йилда Сатурн (Зуҳал)нинг икки ёнида қандайдир бўртиклар мавжудлигини кўрган.

1655 йилда эса нидерланд олими Кристиан Хюйгенс ўз кузатишларидан қўрқиб кетиб, маълумотларни махсус шифрлар билан кундалигига ёзиб қолдиради: «Қуёш бир йилда айланиб чиқадиган фазовий доира — эклиптикага қиялаган Зуҳал ўз юзасига тегмайдиган юпқа ва ясси ҳалқа билан ўралган».

1998 йилгача Сатурннинг 10 та йўлдоши бор, деб юрардик. 2002 йилга келиб эса у ҳақда билганларимиз янада мукаммаллашди. Яъни шу йили нашрдан чиққан, 9-синф учун мўлжалланган «Физика» дарслигида Сатурн йўлдошлари 18 та эканлиги айтилган. Эндиликда бу илмий манбалар ҳам ўз қадрини йўқотди. Негаки, бугунги кашфиётлар айнан сайёра томон учирилган фазовий зондлар ёрдамида амалга оширилиб, улар янги-янги маълумотларга эга бўлмоқдамизки, бу шу пайтгача билганларимизни янада аниқ факт ва далиллар билан изоҳлашга, аниқ илмий фаразларни илгари суришга омил бўлмоқда.

Аввал ҳам бир неча бор ёзганмиз: АҚШнинг NASA фазовий тадқиқотлар агентлиги томонидан учирилган, «Cassini» дея номланган сайёраларaро автоматик станция бир ярим йилдирки, Сатурн сайёраси тизимини ўрганмоқда ва янги-янги маълумотларни биз ерликларга жўнатиб турибди.

Россия Фанлар академиясининг Фазовий тадқиқотлар институти эксперти Юрий Зайцевнинг айтишича, 2005 йил давомида Сатурн билан боғлиқ тадқиқотларда кўпгина ютуқларга эришилди. Жумладан, 14 январь куни мазкур сайёранинг энг йирик «Титан» йўлдошига «Huygens» фазовий зонди муваффақиятли қўнди.

У «Титан» ҳақида маълумот йиғиб, «Cassini» аппаратига жўнатади, «Cassini» эса Ерга. АҚШ, Япония, Хитой ва Австралияда жойлашган 17 та радиотелескоп бу маълумотларни қабул қилиб олади. Лекин афсуски, барча манбалар Ергача тўлиқ етиб келмаяпти.

Қизиб кетган (бу табиий) «Huygens» «Титан» юзасига қўнган пайтда сайёра йўлдошининг юза қатламидан сув ҳамда углеродли аралашма буғланган. Шу пайт аралашмадан метан гази ҳам ажралиб чиққанини зонд асбоблари илғаган. Ажабланарлиси шундаки, «Титан» тупроғи мавсумий ёмғирлар сабабли суюқ метанга тўйинган экан. Атмосферанинг кимёвий таҳлиллари шуни кўрсатдики, метан, углерод ва бошқа моддалар миқдори мавсумга қараб ўзгариб тураркан. Метанли кўлни топиш йўлидаги уринишлар эса бесамар кетди.

Жорий йилда «Cassini» сайёраларaро автоматик станцияни «Титан»га 13 марта яқинлаштириш режалаштирилган. Шундай яқинлашувлардан олтитаси 950 километрлик масофада бўлади. Демак, Сатурннинг ушбу йўлдоши ҳақида яна янги кашфиётлар қилинишига умид этсак бўлади.

Бугунги кунда шу нарса маълумки, Сатурннинг 47 та йўлдоши мавжуд. Шундан 34 тасига ном берилган. Шу 34 тадан 16 таси эса «Cassini» ёрдамида кашф этилди. Мазкур сайёраларaро автоматик станция ўтган йили 6189 километрлик масофани босиб ўтди ва «Атлас», «Прометей», «Пандори» йўлдошларини суратга олиб Ерга жўнатди. Бу йўлдошлар ғалвирсимон тизимда бўлиб, майда шағал ва музлардан иборат.

Мартда эса «Эпиметей» йўлдоши суратга олинган. Унда иккита йирик кратер мавжуд. Сатурн атрофида синхрон айланувчи «Эпиметей» ва «Янус» уқаланиб кетувчи юмшоқ сув музларидан таркиб топган. Улар бирор-бир осмон жисмининг парчаланишидан юзага келган бўлиши мумкин, дейишмоқда олимлар.

«Мимас» йўлдошини суратга олиш чоғида эса кучли зарбдан пайдо бўлган тахминан 130 километр айланадаги кратер борлиги аниқланди. Демак, шундай хулоса чиқариш мумкинки, «Мимас»нинг қандайдир осмон жисми билан тўқнашиб кетиши оқибатида унинг парчаланиб, йўқлик томон юз тутишига бир баҳя қолган.

Кичик «Энцелада» йўлдоши эса 500 километрлик масофадан суратга олинган. Унинг юза қисмида кратерлар ўрни оз миқдорда бўлиб, йўлдошда иқлим жуда совуқ — минус 2000 даража, лекин ёруғ. Қуёшдан келаётган ёруғликнинг 90 фоизини қайтаради. Шунингдек, унда ҳаракатдаги гейзер (ўқтин-ўқтин отилиб турадиган иссиқ булоқ)лар мавжуд, атмосфераси эса сув буғларидан иборат (Қаранг, совуқ ва иссиқнинг омухталигини, тасаввурга сиғдириб бўлмайди).

«Дион»да улкан ва ёруғ ёриқ ҳамда «жўяклар» бор, бироқ унинг юзаси қоронғу.

«Тефии» юзаси эса «Дион»га нисбатан сал ёруғроқ ва кратерлари ҳам кўпроқ. «Тефии»да ёриқ-синиқлар кўп бўлиб, уларнинг чуқурлиги 5 километр, узунлиги эса 2 минг километргача чўзилган.

«Реи» юзасида ялтировчи моддаси бўлган улкан кратер мавжуд — худди яқинда юз берган зарбдан пайдо бўлгандек.

«Cassini» ўтган йилнинг охирларида «Гиперион» ва «Телесто»ларни-да суратга олишга улгурди. Шунингдек, Сатурн ҳалқалари ҳам чуқурроқ тадқиқ этилди.

Аниқланишича, ҳалқалар таркибига кўра, яъни моддалар зичлиги, ҳажми (5 сантиметрдан бир неча метргача) ва бошқа физик хоссалар бўйича бир-биридан фарқ қиларкан.

«Cassini»дан олинган маълумотларни таҳлил қилиб, олимлар Сатурннинг мураккаб магнитосфераси ва зарядланган қисмларнинг магнитли оқимидан ҳайратга тушдилар. Сатурндаги гирдобли плазма (қаттиқ қиздириш ёки урилиш натижасида ионланган модда)лар оқимининг пайдо бўлишида унинг ҳалқалари, музли «ой» ва «Титан» атмосфераси иштирок этаркан. Шуниси билан у Ернинг магнитосферасидан фарқланаркан, динамик воситасига кўра эса Юпитернинг магнитосферасига яқин.

Яна шу нарса аниқландики, Сатурн плазмаларининг кимёвий таркиби кометалар атрофини ўраб турган плазмалар таркибига ўхшашдир.

Сатурнда тўртта плазмали ҳудуд мавжуд бўлиб, улар кимёвий таркиби ва гирдобли оқимига кўра, бир-биридан фарқланади. Ерда эса бундай ҳудуд иккита: бирида ионосфера плазмалари кўп бўлса, иккинчисида қуёш шамоли плазмалари кўп. Фақат фарқи шундаки, Ер атрофидаги плазмалар ундан 25000 километр масофагача узоқликда сайёра билан бирга айланади. Сатурн эса ўз плазмаларини ўзидан 1,5 миллион километргача масофада «ушлаб» туради. Худди шу масофада унинг ҳалқаси мавжуд.

Сатурн магнитосферасидаги плазмалар захираси Қуёшнинг ультрабинафша нурлари эвазига пайдо бўлиб туради.

Ана шунақа гаплар. Булар бир йил давомида қилинган, фақат Сатурн билан боғлиқ илмий тадқиқотлар. Бошқа сайёраларга ҳам фазовий зондлар учирилган. Яқинда эса яна бир сайёра — Плутон томон «Янги уфқлар» дея номланган фазовий аппарат учирилди. Негаки, 11 январдан 14 февралгача бўлган муддат Плутонга учиш учун қулай вақтдир. Келгуси йилда у Юпитердан учиб ўтади (бунинг учун қулай вазият юзага келади, шу ҳисобга олинган) ва сайёҳатга кетадиган вақтни 5 йилга қисқартиради. 2015 йилда Плутонга етиб боради.

Марсда эса иккита зонд икки йилдан бери фаолият кўрсатмоқда.

Яқин келажакда бошқа сайёралар ҳақида ҳам мукаммал, аниқ маълумотларга эга бўламиз. Чунки илмий тадқиқотлар, ўзга оламларга бўлган қизиқиш инсониятни бир зум бўлса-да, тарк этмайди.

Алимбек ТОШБЕК тайёрлади

«ОЛОЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ҳокимлигининг мажлислар залида 2006 йил 7 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Олой деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг Низом жамғармаси оширилиши тўғрисида.

2. Жамиятнинг Низомига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2006 йил 24 январь ҳолатига биноан тузилади.

Мажлисда тайёрланган ҳужжатлар билан жамият бошқаруви идорасида 2006 йил 1 февралдан танишиш мумкин.

Акциядорларни рўйхатга олиш манзили: Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 72-уй.

Жамият кузатув кенгаши

«САНИПЛАСТ» ЎЗБЕКИСТОН-ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КЎП ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА КОРХОНА СИФАТИДА ҒЎЗАНИ, БОҒ ВА ИССИҚХОНАЛАРНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ

СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

«САНИПЛАСТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ, МАТЕРИАЛЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ ВА МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ. БИЗНИНГ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ ЭКИНЛАРНИ СУҒОРИШ ВА ЎҒИТЛАШДА МАСЛАҲАТЛАРИНИ АЯМАЙДИЛАР.

Сервис хизматини кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказамиз.

Хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» даҳаси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Erkin XOLBOBOYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 352

14367 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda